МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 19 июнь. Чоршанба №52 (913) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

**Муҳтарам Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори барчамизнинг қалбимизга энг улуғ, энг азиз айёмга тайёргарлик кўриш, уни муносиб кутиб олиш шижоатини, улуғ кун саодати ва шукуҳини бағишлади.**



Негаки, мустақиллик — бизнинг бетимсол бахтимиз, иқболимиз, ғуруримиз ва фахримиздир. Байрамнинг **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон!»** шиори остида нишонланишида ҳам айни шу ҳаётий ҳақиқат мужассам.

Халқимиз истиқлол туфайли ўз қадр-қимматини англади, мустабид тузум даврида топталган миллий ғурур, қадриятлар қайта тикланди. Бугун мустақил юрт ҳар бир фуқаросининг бахтли яшаши, инсон сифатида чинакам ҳаёт суруридан баҳраманд бўлиши учун таянч ва суянчдир. Улкан имкониятлар мамлакати — Ўзбекистон чиндан ҳам ифтихоримиз, толеимиз, саодатимиздир.

Мустақиллик йилларида бутун Ўзбекистон, жумладан, энг чекка ҳудудлардаги маҳаллалар, гузарлар янгича қиёфа касб этди. Йигирма икки йиллик шонли йўл улкан бунёдкорликлар, янгиланиш ва яратишлар даври бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида бизнинг Конимех туманимиз чорвачиликка ихтисослашган, чўл бағридаги қолоқ бир ҳудуд эди. Аҳоли пастқам уй-жойларда, ўтову капаларда умргузаронлик қилар, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергиясини орзу ҳам қилолмасдик. Чўпоннинг боласи, албатта, чўпон бўлиши керак, деган тушунча мавжуд бўлиб, фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши учун мутлақо шароит йўқ эди.

Бугун эса Конимех ҳам мамлакатимизнинг бошқа гўшалари каби гуллаб-яшнамоқда. Туманимизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда яшаб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳалол меҳнат қиляпти. Фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганиши, баркамол улғайиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Замонавий андозада қурилган мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, спорт мажмуалари улар ихтиёрида.

Бир пайтлар қумлоқ дашт бўлган жойлар энди бўстонга айланган. Йўллар равон, кўркам бинолар қад ростлаган. Ҳозирги кунда Конимехда фақат чорвадорлар эмас, зиёлилар, тадбиркорлар, хусусий корхоналар эгалари, ҳунармандлару томорқа маданиятини ўзлаштирган соҳибкор инсонлар истиқомат қилишади.

«Тоҳир Жамол ота» фермер хўжалиги раиси Тоҳир Жамолов бир кеча-кундузда 500 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга хусусий корхона очган. Ўғилларига Президент уйини совға қилишни одат қилган тадбиркор ота 15 нафар қишлоқдошини иш билан таъминлаганидан, маҳалласи ва тумани обод бўлишига ҳисса қўшаётганидан, одамларга нафи тегаётганидан мамнун.

Туман марказидан 270 километр узоқликда жойлашган Учтепа овул фуқаролар йиғинида «Мағжан Асыажан» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Дуйсен Тавсугаров ташаббуси билан гузар қурилди. Бу ерда бунёд этилган чиройли тўйхона ёш келин-куёвларга бахт ҳадя этувчи масканга айланди.

«Янгиғозғон», «Саржал» каби олис ҳудудларимиз ҳам бугун аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун барча шарт-шароитларга эга, инфратузилма ривожланган манзиллардан.

Туманимиз марказида эса «Қизилқум Вултекс» Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси, «Ҳайдаравлод», «Конимех-Кўҳинур» хусусий фирмалари, сервис хизмати шохобчалари, новвойхонаю ошхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. 22 йил ичида Конимех туманида бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ишга тушди. Жойларда 9 та замонавий қишлоқ врачлик пункти барпо этилди.

Буларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимизнинг «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун», деган ғояси остида амалга оширилаётган оқилона сиёсат ҳамда тараққиётнинг «ўзбек модели» нечоғли тўғри эканининг ифодасидир.

**Васила ҚАРШИБОЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Конимех тумани бўлинмаси раиси.**




ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

## НУРЛИ ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

**Ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар сирларини ўргатиш, энг муҳими, ўзлари танлаган йўналиш бўйича ишга жойлашишларига кўмаклашиш шу куннинг муҳим вазифаларидан.**

Жорий йилда Термиз шаҳридаги мавжуд 9 та касб-ҳунар коллежини 39 та йўналиш бўйича 4309 нафар йигит-қиз тамомлайди.

Битирувчиларнинг баъзилари олий ўқув юртларига ҳужжат топширишса, аксарияти ишлаш ниятида. Фуқаролар йиғинларида ёшларни ишга жойлаштириш масаласида уч томонлама шартномалар имзоланган.

Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тизимли иш олиб борилмоқда. Бу борада касб-ҳунар коллежлари маъмурияти, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлинмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари йўлга қўйилган.

> [3]

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

## ТИББИЙ МАДАНИЯТ ЮКСАЛМОҚДА



**Инғирчоқлик Алижон ота Усмоновнинг қон босими кўтарилиб, юрак хуружидан азият чекди. Яқинлари зудлик билан қишлоқ врачлик пунктига қўнғироқ қилишди.**

Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида Алижон ота касалликдан осон халос бўлиб, соғлиғини тиклаб олди.

— Беморларнинг дардига малҳам бўлаётган шифокорларимизга минг раҳмат, — дейди маҳалла фаоли Алижон ота. — Илгарилари арзимас тиббий муолажа учун ҳам туман марказига боришга тўғри келарди. Эндиликда бу борадаги оворагарчиликлар буткул барҳам топди.

Бувайда туманидаги Инғирчоқ қишлоқ врачлик пункти фаолиятида бу каби мисоллар жуда кўп. 7 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган соҳа ходимларининг оилада тиббий маданиятни ошириш, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш афзаллиги тўғрисидаги тарғибот тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

> [4]

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

## ФАОЛЛАР ҲАР БИР ИШДА КАМАРБАСТА



**Бизнинг «Камолон» маҳалла фуқаролар йиғини нафақат туман, балки шаҳардаги намунали йиғинлардан. Ҳудудимизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли тинч-тотув, баҳамжиҳат истиқомат қилади.**

Ўнта кўча, шунча кўпқаватли уй, иккита умумтаълим мактабини ўз ичига олган йиғинимиз аҳли ишнинг кўзини билиб фаолият юритади.

Ҳудудда бекор юрганларни учратмайсиз, ҳамма иш билан банд. Оиласи, рўзғори кам-кўстини тўлдириш, келажагини таъминлаш, яхши яшаш йўлида барча бирдай меҳнат қилади.

Мустаҳкам оила йилида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларини таъминлашда намунали фаолият юритган йиғин» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдик. Бунга етарлича асос бор, албатта. Йиғинимизга мурожаат қилган ҳар бир фуқаронинг муаммоларини ўрганиб, уларга ўз вақтида жавоб қайтарамиз.

Мисол учун, фуқаро Комил Муродов икки йил аввал Дархон кўчасидаги 118-уйини ўз номига расмийлаштирган. Бироқ баъзи сабабларга кўра, уй ҳужжатларида муаммолар юзага чиққан. Фаолларимиз аралашуви билан бу масала ижобий ечим топди. Шунингдек, Тутзор кўчаси 6А-уйда истиқомат қилувчи ёш оила Дониёр Йўлдошев ҳамда Муҳайё Йўлдошева банк кредити асосида маиший техника воситалари харид қилиш учун маҳалладан ёрдам сўради. Тезда бу масалани ҳам ижобий ҳал қилдик.

Маҳалламизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга катта эътибор қаратиб келинаётир. Бунда фуқаролар йиғини қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур комиссиянинг рағбати ва қўллаб-қувватлаши билан маҳалла ҳудудида бир нечта тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди. Мисол учун, Ипак кўчаси 54-уйда яшовчи Салима Қодирова фаолларимиз кўмаги билан «Салима чевар» тикувчилик цехини очди. Айни пайтда бу ерда 10 нафар қиз момомерос анъаналаримизнинг сир-асрорларини ўрганмоқда. Қувонарлиси, ёндош «Каттабоғ» маҳалласида яшовчи аёллар ҳам ишбилармонимиздан ўрнак олишмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналари билан аҳоли ўртасида касаначиликни йўлга қўйиш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Уй меҳнатининг афзалликлари аҳоли ўртасида тарғиб қилинаётир. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, бугун маҳалла аҳлининг турмуши фаровон, дастурхони тўкин. Хизмат кўрсатиш даражаси йил сайин ошиб бормоқда. 10 га яқин озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони, тўртта новвойхона, иккита сартарошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишидан эл мамнун. Ёшларимизнинг кўпчилиги маҳалламиз ҳудудида янги очилган корхоналарда ишлашмоқда.

Аҳолимиз жамиятда юз бераётган янгиланиш ва амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан бохабар. Шу боис фаоллар менга ҳар бир ишда камарбаста. Айниқса, йиғинимизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда масъул котиб билан баҳамжиҳат ишлашимиз туфайли ҳар қандай муаммога ечим топяпмиз.

Хуллас, ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар талайгина. Мақсадимиз — эл-юрт фаровонлигига астойдил ҳисса қўшиш.

**Бахтиёр СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳар «Камолон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

*Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари, хусусан, фонднинг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви, бўлим ва бўлинмалари ҳам ташаббус кўрсатмоқда.*

*Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган дастурларни амалга оширилишида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда барча қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга кўмаклашиш мақсадида 1035 та фуқаролар йиғинида 1950 та тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Тадбирларда 412 минг нафар аҳолининг иштироки таъминланди. Шундан 107800 нафарини ёшлар ташкил этади.*

*Қишлоқ жойларда яшовчи 14250 нафар ҳомиладор аёлни махсус поливитаминлар жамламаси, жумладан, таркибида фолий кислотаси бўлган витаминлар билан бепул таъминланишига кўмаклашилди.*

*6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 29300 нафар бола А витамини етишмовчилигининг олдини олишга мўлжалланган витаминлар жамламаси билан таъминланди. Жумладан, Қуйичирчиқ туманида яшовчи 2120 нафар болага ана шундай дармондорилар тарқатилди.*

*Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш мақсадида 14520 нафар ҳомиладор аёлни пренатал скрининг билан қамраб олиш ва неонатал скрининг сифатини яхшилаш орқали туғма ва ирсий касалликларни аниқлашда кўмаклашилди.*

*Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида вилоят Саломатлик маркази мутахассислари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, тиббиёт ходимлар иштирокида Юқоричирчиқ туманида ўқув-семинари ташкил этилди.*

*Ҳамкорликдаги бу каби саъй-ҳаракатлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

З.ЖЎРАЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси.

МУРУВВАТ

## Эътибор доимий одатта айланган



Она учун фарзанд ҳасратидан ортиқ дард бўлмаса керак. Пешку тумани Варахша қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Моҳира Жўраева ўғли Файзулланинг ортидан орзу-ҳавас кўрмоқчи эди.

Фарзанди она ишончини оқлаб, мактабда синфининг аълочиси бўлди, Бухоро давлат университетининг физика-математика факультетига давлат гранти асосида қабул қилинди.

Ўғлининг тўйи учун сеп йиғаётган пайтда она учун чинакам синовли кунлар бошланди. Олий ўқув юртининг 2-босқичида таҳсил олаётган Файзулла оғир хасталикка чалинди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими йигитнинг жонига оро кирди. Фонд ҳамда ҳомийлар кўмагида унинг даволаниши учун керакли маблағ ажратилди.

Тумандаги «Боғимусо» маҳалласида яшовчи Пешку саноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган Камола Турсунова қўлигул чевар сифатида қўни-қўшни, маҳалладошлари назарига тушган. Бироқ унинг ҳаёти билан яқинроқ танишсангиз, Камолага бу таъриф камлик қилаётгандек туюлади. Гап шундаки, у болаликдан биринчи гуруҳ ногирони, юра олмайди. Аммо тақдирнинг бу зарбаси унинг руҳини чўктиролмади. Ҳозир тикиш-бичиш билан шуғулланади. Бировга оғирлигим тушмасин, одамларга нафим тегсин, деган эзгу ният билан яшайди.

> [2]

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

# ТАШАББУС, ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



**Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани марказидаги деҳқон бозорининг капитал таъмирланиши, «Янгиобод» маҳалласидаги 4 та йўлнинг асфальтланиши, «Олтин чинор» ва «Асалой» тўйхоналарининг фойдаланишга топширилишида «19-Қўшкўпир» сайлов округидан халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига сайланган Олтибой Ражабовнинг алоҳида ҳиссаси бор.**

О.Ражабов сайланган округ ҳудудида битта шаҳарча, учта қишлоқ, тўққизта маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларда ўттиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Масъулиятни чуқур ҳис қилган депутат ўз сайловчилари билан юзма-юз учрашишга, уларнинг дардини тинглашга, муаммоларини ҳал этишга вақт топади.

Ҳар ойнинг 10- ва 25-санасида депутат йиғин биносида фуқароларни қабул қилади. Жорий йилнинг биринчи чорагида фуқаролар томонидан келиб тушган 50 дан зиёд мурожаатнинг деярли барчаси депутатлик назорати орқали ҳал этилди. Иккита масала вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқилди.

— Олтибой Ражабов сайловчиларнинг мурожаатларини ўрганишга алоҳида масъулият билан ёндашади, — дейди Қўшкўпир шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Отаназаров. — Ўтган йили туманнинг чекка ҳудудида жойлашган Хонобод қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга жиддий киришилди. Натижада инвестиция маблағлари ҳисобига 3,5 километрли қувур тортилди. Ғазовот, Хадра, Оқдарбанд қишлоқларида янги спорт майдончалари бунёд этилди. Ўртаёпда қишлоқ врачлик пункти қад ростлади. Албатта, бундай эзгу ишларда депутатнинг хизмати катта бўлди.

«Янгилик» маҳалласида замонавий лойиҳа асосида барпо этилган ҳовлиларга кўчиб ўтган 24 та оила Олтибой Ражабовдан миннатдор. Негаки, бу уйлар депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан ўз вақтида ва сифатли қуриб битказилди. У туманда транспорт қатновини изчил йўлга қўйиш, коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, газ таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, аҳолининг дам олиш шароитларини яхшилаш, бандлик масаласини ҳал этиш каби муаммоларни ечишда ҳам жонкуярлик қилмоқда.

Обод турмуш йилининг ўтган даври мобайнида О.Ражабов ўзи сайланган округдан 37 нафар аёлга касаначилик асосида меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит яратиб берди. Мисол учун, «Дўстлик» маҳалласида яшовчи чевар Назира Собирова касаначилик асосида уйида тикувчиликни бошлаб юборган бўлса, қўшни «Мустақиллик» маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳризода Тожиева гилам тўқиб, рўзғори бутлигини таъминлаяпти.

— Депутатнинг хизматларидан мамнунмиз, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Назира Раҳимова. — Айниқса, тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятида юрган ёшларнинг имтиёзли кредит олишларида О.Ражабовнинг ҳиссаси катта. Бевосита депутат кўмаги билан 17 нафар ёш тадбиркор банк кредити асосида мустақил иш бошлаш имконига эга бўлди.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида нон ишлаб чиқариш цехи ишга тушгани аҳоли учун қулайлик яратди. Сабаби, шу пайтгача йиғин аҳли азиз неъматни харид қилиш учун қўшни маҳаллага қатнарди.

Мухтасар айтганда, маҳаллий кенгаш депутатларининг саъй-ҳаракатлари, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги боис маҳаллаларда турмуш фаровонлиги ошиб, бунёдкорлик ишлари тобора авж олмоқда. Энг муҳими, янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# ЖАМОАТ НАЗОРАТИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТНИ ҲИМОЯЛАЙДИ



**Пойтахтимизнинг Ҳамза ва Мирзо Улуғбек туманларини туташтирувчи Паркент кўчаси бўйида жойлашган «Саф савдо» дўконида маҳсулотларнинг нархи кўрсатилмасдан сотилаётганини кузатган Иссиқсув 1-тор кўча 31-уйда яшовчи Эшмурод Турсунқулов дарҳол «Олтинтепа 10» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларига мурожаат қилди.**

Комиссия аъзолари аралашуви билан бир қарашда оддийдек кўринган бу қоидабузарликка чек қўйилди.

Бугунги кунда юртимиздаги барча фуқаролар йиғинлари қошида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузилган. Унинг аъзолари янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар талаблари асосида фаолият олиб бормоқдалар.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинтепа 10» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ушбу комиссиянинг фаолияти намунали йўлга қўйилган. Комиссияга йиғин раисининг раҳбарлик қилиши ҳамда унга бандликка кўмаклашиш маркази, молия бўлими вакиллари, 130-умумтаълим мактаби директори ва йиғиндаги обрў-эътиборга эга кишиларнинг аъзо қилиб сайланганн ҳудудда жамоатчилик назоратини ўрнатишда ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилишда қўл келмоқда.

— Комиссиямизга келиб тушган ёзма ёки оғзаки мурожаатлар ҳамда уларнинг натижалари йиғин томонидан муҳрланган китобга қайд қилиб борилади, — дейди «Олтинтепа 10» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, мазкур комиссия раиси Мурод Дўстмуҳаммедов. — Айни пайтда комиссиянинг 13 нафар аъзоси фуқаролар йиғини ҳудудида қонун ҳужжатларининг, йиғин кенгаши қарорларининг ижроси, шунингдек, 32 та кўчада истиқомат қилаётган 5 ярим минг нафарга яқин истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Комиссия аъзолари томонидан аҳолининг коммунал тўловларни вақтида тўлаши борасида ҳам тушунтириш-тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида йиғин аҳли электр энергияси, иссиқ сув, газ ва бошқа коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўламоқда. Бироқ баъзан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани кузатилаётгани ачинарлидир. Мисол учун, яқинда Чилди Турон кўчаси 12-уйда яшовчи Марҳамат Мусаева хонадонига туман газ идорасидан ортиқча қарздорлик тўғрисида огоҳлантириш хати келиб тушган.

— Бир миллион сўмга яқин қарздорлик чекини кўриб, таажжубга тушдим, — дейди М.Мусаева. — Мавҳумликка аниқлик киритиш учун, аввало, туман газ идорасига қўнғироқ қилиб, тўловларни ўз вақтида тўлаганимни айтдим. Бироқ бундан натижа чиқавермагач, чекни олиб, йиғин ҳузуридаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиясига мурожаат қилдим. Аъзоларнинг саъй-ҳаракатлари билан компьютердаги техник хато оқибатида юзага келган ортиқча қарздорлик бартараф этилди. Истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқимни тиклашда яқиндан ёрдам берган маҳалла фаолларидан миннатдорман.

Комиссия аъзолари йиғин ҳудудида бино ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қурилишига чек қўйишга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

— Қизилсув кўчаси 17-уйда яшовчи Улуғбек Сагимбеков ўзбошимчалик билан кўча юзидан гараж қуриб олибди, — дейди Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси аъзоси Александр Гирбеев. — Қурилма аҳоли қатнови учун халал бериб, шу кўчада яшовчиларнинг шикоятларига сабаб бўлди. Аъзолар билан унинг бу хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканини ҳарчанд тушунтирмайлик, у ўз билганидан қолмади. Суд аралашуви билан бу масала аҳоли фойдасига ҳал этилди.

Бугунги кунда йиғин ҳузуридаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия нафақат ўз ҳудудида, балки қўшни маҳаллалардаги шу номдаги комиссия аъзолари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётгани яхши самара бермоқда. Масалан, ёндош йиғинлар — «Катта олтинтепа» ҳамда «Олмачи» маҳаллаларининг мазкур комиссиялари аъзолари ҳамжиҳатлигидаги саъй-ҳаракатлари натижасида Олтинтепа кўчаси тўлиқ асфальтланди.

Йиғиндаги 99 нафар мактаб битирувчисини таълимнинг кейинги босқичига, 74 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эса ишга жойлаштириш ҳам комиссия аъзолари эътиборидан четда қолмади. Чунончи, шу пайтгача коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда тадбиркорлик субъектлари билан уч томонлама шартнома тузишга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини ўйлантираётган турли муаммолар йиғин қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларининг диққат-эътиборида. Зеро, бугун маҳаллаларда эл манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиб, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган инсонлар хизмат қилмоқда.

**Зуҳра САЙФУЛЛАЕВА,**
**П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси.**

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган **«Энг улуғ, энг азиз»** анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

халқимиз ўтган даврда ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

**— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
**— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
**— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
**— тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
**— кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79;

МУРУВВАТ

# ЭЪТИБОР ДОИМИЙ ОДАТГА АЙЛАНГАН

< [1]

Яқинда бўлинма савоб ишга қўл урди. Камолага аравача ҳадя этилди. Эндиликда у кўчага чиқиб, қўни-қўшнилар билан дийдорлашиш, тенгдошлари билан суҳбатлашиб, кўнгил чигилини ёзиш имконига эга. Бундан унинг оила аъзолари ҳам хурсанд.

— Фонднинг ушбу туҳфаси менга катта далда бўлди, — дейди Камола. — Йўқ, гап фақат совғада эмас. Ана шу аравача туфайли мен атрофдагиларнинг ўзимга нисбатан эътиборини, жамият учун кераклигимни ҳис қилдим. Ана шу ҳис мен каби имконияти чекланганларга матонат ва ирода бахш этади.

— Камоладаги чинакам ирода, сабр-бардош, қатъият, эзгу мақсад билан яшашдан ибрат олса арзийди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пешку тумани бўлинмаси раиси Искандар Намозов. — Биз имконияти чекланган, ўзгалар қаровига муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Бўлинма раисининг айтишича, жорий йилнинг ўтган даврида 92 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва жисмоний имконияти чекланганларга 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Аслида, гап моддий ёрдамнинг миқдорида эмас, балки эҳтиёжмандларга эътибор доимий одатга айлангани, мурувват, бағрикенглик каби миллатимизга хос эзгу фазилатлар яққол намоён бўлаётганидадир.



Яна бир мисол. Тумандаги «Шавгон» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Озодбек Музаффаров 14 баҳорни қаршилади. Айни еру кўкка сиғмай, дунёни тўлдириб чопқиллаб ўйнайдиган ёшдаги болакай, афсуски, бундан бир неча йил олдин бахтсиз тасодиф туфайли оёқларидан ажраб қолди. У дастлабки синфларданоқ ҳудуддаги 8-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси ғамхўрлиги билан уйда сабоқ олди. Бугун Озодбекнинг уйида ўқув фанларини муносиб ўзлаштириши учун барча шарт-шароит мавжуд.

— Озодбек синфимизнинг аълочи ўқувчиларидан, — дейди унинг муаллими Зилола Гулова. — Айниқса, адабиёт, информатика фанларига меҳри баланд. Ёш бўлишига қарамай, нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти нодир дурдоналарини мутолаа қилиш билан бирга, уларни адабиётшуносларга хос таҳлил этишга ҳам ҳаракат қилади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси кўмаги билан у замонавий компьютер жамланмасига эга бўлди. Энди Озодбек уйида туриб «ZiyoNET» тармоғидан фанга оид исталган ахборот ва билимларни қийналмай топиши мумкин. Ҳа, бугун юртимизда ҳеч бир фарзанд меҳр ва эътибордан четда эмас.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# САРДОР ЎЗ БУРЧИГА СОДИҚ ҚОЛАДИ

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ҳудудлардаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олишда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.**

Посбонлар маҳаллалар ҳудудида тартиб ўрнатибгина қолмай, рўй бериши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам масъулдирлар. Агар маҳалла ёки қишлоқ давлатимиз чегараларига яқин жойлашган бўлса, ушбу вазифанинг залвори янада ортади.

Тахтакўпир тумани Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларидан. Бу ерда ўз маданияти ва дунёқарашига эга бўлган турли миллат вакиллари ўзаро иноқликда истиқомат қилишади. Тумандаги Қора-ой овули сарҳадлари қўшни Қозоғистон чўллари билан туташ. Чегара ҳудудларида янада сергаклик ва ҳушёрлик талаб этилишини ҳисобга олсак, Қора-ой овули посбонлари зиммасидаги масъулият янада ортишини ҳис қиласиз.

Эрназар Ҳақназаров — Қора-ойдаги биринчи маҳалланинг сардори. У 12 нафар ҳушёр ва мард посбон йигит билан 257 уйли маҳалла осойишталигига жавобгар. Чегаралар дахлсизлиги мамлакат осудалиги гарови эканини яхши англаган сардор эртаю кеч ҳушёрликни қўлдан бермайди. У доимо одамлар орасида. Гоҳ паспорт тартиби, гоҳ норасмий оқимлар зараридан огоҳлантириш, гоҳ бандлик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўшиш мақсадида маҳалла кезади. Овулдошлар уйидаги муҳит, маҳаллага ким келиб-кетаётганидан мудом хабардор. Ёш авлодга кўрсатаётган диққат-эътибори боис бир неча йилдирки, ҳудудда жиноятчилик у ёқда турсин, ҳуқуқбузарлик ҳам учрагани йўқ.

— Э.Ҳақназаров эл-юрт ташвиши билан ёниб яшайдиган, бурч ва масъулиятини теран англаб, вазифасига виждонан ёндашадиган инсон, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тахтакўпир тумани бўлинмаси раиси Нуржами Аметов. — У 2002 йилдан бери ушбу вазифани бажариб келади. Ҳудудимиз қўшни давлат билан чегардош. Шу боис сардорларнинг масъулияти улкан. Э.Ҳақназаров фаолияти мобайнида кўплаб муаммоларни ечишга бош бўлди. Бугун Қора-ойдаги ушбу маҳалла туманимизнинг энг ибратли масканларидан. Бунга, албатта, ҳудудда ўрнатилган қатъий тартиб-интизом, қонунлар тарғиботи орқали эришилган барқарорлик, миллатлараро тотувлик бош омилдир. Сардорнинг иш услубидан намуна олиб, ҳудуд осойишталигига эришаётганлар кўп. Ҳолбуки, унинг фаолиятида ҳеч қандай ажабтовурлик сезмайсиз. Ҳаммаси жуда оддий.

Дарҳақиқат, сардорнинг муваффақиятлари омили ҳам ҳар бир овулдошининг ишончини қозонганида, уларни ортидан эргаштира олганида.

— Ҳудудимиздаги 13 та кўчага бошчилик қилаётганларнинг барчаси эл-юртда обрў-эътибор қозонган кишилар, — дейди Э.Ҳақназаров. — Маҳалладаги вазиятнинг барқарорлигида бу фидойи инсонларнинг ёрдами беқиёс. Айниқса, биринчи кўчанинг бийи (бошлиғи) Абдурайим Эшмуродов, иккинчи кўчага бошчилик қилаётган Бахит Оллоназаров замон билан ҳамнафас, зийрак ва тил топишишга уста инсонлар. Улар билан биргаликда аҳолининг кайфиятини мунтазам ўрганиб, муаммоларига ечим топяпмиз. Ҳудудимиздаги 10-умумтаълим мактабида долзарб мавзуларга бағишлаб тез-тез уюштириладиган тадбирларнинг аҳамияти ҳам катта бўлаётир. Бугун қора-ойликларнинг ҳар бири дунёдаги воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара олади, диёримиздаги тинчликни қадрлайди.

...Тахтакўпирда яна тонг отди. Кишилар бехавотир ишга, ўқишга ошиқмоқдалар. Ҳадемай ғалладан улкан хирмон кўтарилади. Аҳоли бугунги пишиқчилик, тўкин-сочинликдан мамнун. Ҳали замон гоҳ у, гоҳо бу овулдан тўй-базм садолари янграйди. Кузатганимиз бу таниш манзарадан хулоса: тинч ва осуда юртнинг қуёши чароғон отади, бунёдкорлик, ободлик ишқи билан яшаётган одамларга нур сочади, оқшом чўкканида эса, ётоғига хотиржам бош қўяди.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

БУНЁДКОРЛИК

## Шихмаҳшадда шинам ҳовлилар

**Қўшкўпир туманидаги Шихмаҳшад қишлоғида 54 та замонавий лойиҳа асосида қурилган, барча қулайликларга эга ҳовли-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу эса қишлоқ кўркига кўрк, чиройига чирой қўшди.**



— Бизга бундай бебаҳо имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдормиз, — дейди қишлоқнинг «Қоровул» маҳалласи меҳнат фахрийси Бобохон Ибодуллаев. — Намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлардан бири бизнинг оилага ҳам берилди.

Ҳамма шароит муҳайё. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона. Боғнинг тўрида чорва моллари боқиш учун ҳам имкон бор. Электр энергияси, газ ва сув таъминотининг яхши йўлга қўйилганлиги айни муддао. Кенг кўчалар, равон йўллар, гулзору хиёбонларни айтмайсизми?!

Қишлоқда қисқа муддатда учта маҳалла гузари, иккита новвойхона қад ростлади. Шу кунларда туманнинг Хадра қишлоғидаги «Тоқирдовуқ» маҳалласида 34 та, Кенагас қишлоғи «Дўстлик» маҳалласида 18 та, Янгилик қишлоғининг «Тинчлик» маҳалласида 15 та замонавий лойиҳа асосидаги уй-жойларнинг қурилиши қизғин давом этмоқда. Бу эса аҳоли турмуш ободлиги ва фаровонлигининг ифодасидир.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

## Имконият кенгаймоқда

**Яккабоғ туманидаги Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Нимтўда қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Давр темир-бетон сервис» масъулияти чекланган жамиятида буюртмачилар талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, 90 турдан ортиқ пишиқ ва мустаҳкам темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

Маҳалладан 100 нафар киши шу ерда ишлаб, рўзғорини тебратяпти. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар ташкил қилади.

Шу кунларда корхонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жамият раҳбари Жонибек Ҳолиқуловнинг айтишича, банкдан олинган 400 миллион сўм кредит эвазига илғор ва тежамкор технологиялар билан жиҳозланган тош-шағал заводи барпо этилмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда 1200 кубометр тош майдаланади.

Бу эса, албатта, қишлоқларимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

## «Шуҳрат»нинг шуҳрати

**Фарғона туманидаги «Шуҳрат» хусусий корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.**



Асосан нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни ҳамда умумий овқатланиш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйган корхона маҳсулоти ва хизматларидан эл мамнун. Айни пайтда Германия ва Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида ҳар куни 2 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

— Ҳудудимизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли умргузаронлик қилади. Шуҳратжондек фидойи, ишбилармон, тадбиркорларимиз кўп, — дейди «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юлдузхон Ҳалимова. — Улар маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда ўз ҳимматини ва саховатларини аяшмайди. Бундан эса маҳалла аҳли мамнун.

Тадбиркор Шуҳрат Қундузов «Савдогарбанк» ОАТБдан 150 миллион сўм кредит олиб, маҳалла ҳудудидаги қаровсиз жойда ишлаб чиқариш цехи ва 120 ўринли умумий овқатланиш шохобчасини қуриб битказди. Бунинг ҳисобига 20 нафардан ортиқ ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди. Бу ерда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ҲОМИЙЛИК

## Хайрли ташаббус

**Денов туманидаги «Пардаев Хушбоқ Бобораҳматович» фермер хўжалигида ҳар йили 82 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштирилади.**

Фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Пардаев Ойбек номидаги ҳамда «Кўчакли» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудини обод қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга муносиб улуш қўшаётир.

Яқинда фермер хўжалиги маблағи ҳисобига Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги сув минораси таъмирланди. Натижада 100 дан ортиқ хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги «Кўчакли» маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қишлоқ врачлик пунктини ишга тушириш, маҳалла ҳудудига уч километр узунликда сув қувурлари тортишга ҳам ҳомийлик қилди.

Муҳаммаджон АЗИМОВ
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

## НУРЛИ ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА



< [1]

Айниқса, «Гарм», «Озодлик», «Тупроққўрғон», «Маърифат», «Алпомиш», «Дўстлик» маҳаллалари бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Гарм» маҳалла фуқаролар йиғини ип-калава тайёрловчи «Термиз-Шиндонг-Спининг», пиллачиликка ихтисослашган «Сурхон-Термиз-силк», «Интерсилкпром» қўшма корхоналари билан ҳамкорликда 200 нафарга яқин битирувчини иш билан таъминлашда фаоллик кўрсатди.

— Жорий йилда ҳудудимиздаги 20 нафар ёш касб-ҳунар коллежларини тамомлади, — дейди «Шифокор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Турсунова. — Уларнинг 7 нафари олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда. Битирувчилардан 13 нафарини ўз мутахассислиги ва қизиқиши бўйича Термиз темир йўл депоси, вилоят дон маҳсулотлари корхонаси ҳамда ҳудудимиздаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига ишга жойлаштирдик.

Катта ҳаёт остонасида турган ёшлар учун тўғри қарор чиқариш ҳар томонлама муҳим саналади. Бунда атрофдагиларнинг оқилона маслаҳати асқотиши шубҳасиз. Шу боис тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида тегишли ташкилотлар ва ота-оналар билан биргаликда давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

— Касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз, — дейди Термиз шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Дилмурод Худойназаров. — Ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари иштирокида Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, бу йилги 4 минг нафардан зиёд битирувчининг мингдан ортиғи олий ўқув юртларига ҳужжат топширишса, 3 мингга яқини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

Ҳудудда ёшлар бандлигини таъминлашда бир неча йўналиш бўйича иш олиб борилмоқда. Хусусан, корхона ва ташкилотларда қўшимча иш ўринлари яратиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш ҳамда тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали битирувчи йигит-қизлар иш билан таъминланяпти. Бугунгача 96 нафар битирувчи имтиёзли кредит олишга эришди.

Фуқаролар йиғинлари ёшларни иш билан таъминлашда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаларини ташкил этиб, юздан зиёд шартномалар имзоланишига ҳисса қўшди. Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига маҳаллаларда 131 та кичик корхона ташкил этилди. Натижада 690 та янги иш ўрни яратилди. Термиз шаҳридаги «Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш манзилли дастури»да 1039 та янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Ҳозирга қадар мазкур режа 105 фоизга уддаланди.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш, уларни юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга фаол жалб этиш доимий ва изчил давом эттирилади. Ана шу масъулиятдан келиб чиқиб, Термиз шаҳридаги барча фуқаролар йиғинлари фаоллари ижтимоий шериклик асосида ёшларнинг ўз ҳаёт йўлини белгилаб, улкан мақсадлар сари олға интилишларига кўмаклашмоқдалар.

Муҳаммад АЗИМОВ
«Mahalla»

УЙ БОШЛИҒИ ФАОЛИЯТИДАН

## ОРАСТАЛИК — ОСТОНА ВА УЙНИНГ КЎРКИ

**Инсон учун энг севимли маскан бу унинг уйи. Ҳар биримиз кундалик меҳнат фаолиятини тугатиб, уйимизга шошиламиз. Бу гўша билан ҳаётимиз тўкис, кўнглимиз хотиржам.**



Шу боисдан уйларимизда ҳар томонлама соғлом муҳитнинг шаклланганi, қулайликларнинг яратилгани муҳим аҳамият касб этади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Лабзак» маҳалла фуқаролар йиғинида 20 та кўпқаватли уй мавжуд. Ҳудуддаги Зулфияхоним номидаги кўчада жойлашган 1-а,-б уй бошлиғи Ҳафиза Қосимованинг ибратли фаолияти туман миқёсида эътироф этилаётир. Чиндан ҳам кўчага киришингиз билан саранжомлик, файз эътиборингизни тортади. Йўлаклар бир текисда тартибга келтирилган, уй олди ва хонадонларнинг деразалари ёнига анвойи гуллар экилган. Ҳовлидаги манзарали дарахтлар ажиб фусункорлик бахш этиб, мевали дарахтлар айни паллада ҳосилини илинган, райҳону кўкатлар эса фақаттина кўкаламзорликкасб этмасдан, балки уй эгаларининг таомларига ҳам ажойиб маза киритаётган экан.

— Ҳудудимизнинг кўркам қиёфага келтирилишида уй бошлиғимизнинг хизматлари беқиёс, — дейди 1-а,-б уй 1-йўлак бошлиғи Мавлуда Сиддиқова. — Бизда тозалик бўйича муаммо йўқ, десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳар бир йўлакнинг кираверишига тозалик жадваллари илинган. Шу асосда хонадон эгалари ўз навбати келганида йўлак ва ҳовлини тозалашади. Ҳафиза опа ўзининг хушмуомалалиги, одамлар ўртасида аҳил-иноқликни таъминлашга интилиши, тўй-маъракалардаги фидойилиги билан барчанинг меҳрини қозонган.

Кўпқаватли уй олдида болалар майдончаси мавжуд. Яқинда унга уй бошлиғининг саъй-ҳаракатлари билан арғимчоқ — учиш мосламаси ўрнатилди.

— Уйни намунали бўлишида, энг асосий жиҳат бу — аҳиллик, — дейди 1-а,-б уй бошлиғи Ҳафиза Қосимова. — Мен ҳар бир ишни шу уйдаги фаоллар кўмагига суяниб бажараман. Гулжаҳон Юсупова, Гўзал Рашидова, Мавлуда Элмуродова, Жўра Ҳакимов, Ҳабибулла Низомиддинов билан тозалик, таъмир, коммунал муаммолар, тўй-маърака тадбирларини ўтказиш борасида келишиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлаймиз. Бирдамлик сабабми уйимизда нотинч, салбий таъсирларга берилган ҳамда шароити оғир бўлган оилалар йўқ.

Муаммони бартараф этишдан кўра унинг олдини олган афзал. Кўпқаватли уйларда ертўла, том, лифт, коммунал масалаларда оғриқли жиҳатлар учраб туради. Дейлик, тепа қаватдаги хонадонда қувур ёрилиши пастки қаватдаги қўшнининг оромини бузиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик мақсадида уйда махсус комиссия тузилиб, вазиятни ўрганиб боради. Муаммоли нуқталар аниқланиб, уни таъмирлаш учун хонадон эгалари ва масъул идоралар маблағи йўналтирилади. Ҳозирги кунга қадар уй бошлиғи ва ҳудуддаги Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан уй ертўласи тўлиқ таъмирдан чиқарилди, қувурлар янгиланди, 10 дан зиёд сув тўсқичлар ўрнатилди. Шунингдек, лампочка ва электр симлари янгисига алмаштирилган. Мавжуд лифтлар ичига линолиумлар тўшалиб, кўзгулар қўйилди.

Ҳар бир ишда ҳамжиҳатлик, масъуллик лозим. Кўпқаватли уй бошлиқлари ана шундай интилиш билан фаолият олиб боришса, барча уйлар «намунали» деган эътирофга сазовор бўлади.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

## ҚОБИЛИЯТ ВА ИҚТИДОР РАҒБАТ ТОПАДИ



**Пойтахтимиздаги Мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган академик лицейда билимлар беллашувининг Республика босқичига старт берилди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 522 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Танловнинг якуний босқичи 28 июнда ниҳоясига етади ва ғолиблар эълон қилинади.

— Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб тизимда таълим сифатини оширишга қаратилган янгилик сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича билимлар беллашувларини ташкил этишнинг тўрт босқичли: мактаб, туман, вилоят ва республика механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Пешку туманидаги 4-сонли ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчиси Матлуба Ражабова. — Билимлар беллашувининг ўтказилиши ўқувчиларнинг қобилияти ҳамда иқтидорини қуйи синфдан аниқлаш ва ривожлантириш имконини бераётир. Беллашувни юқори даражада ва адолатли ташкил этиш мақсадида жорий йилда қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, фанлар сони 10 тадан 16 тага оширилди. 14-15 июнь кунлари аниқ ва табиий-ижтимоий фанлар бўйича ўтказилган танловда жами 265 нафар ўқувчи иштирок этди. 27-28 июнда эса жами 257 нафар ўқувчи филология фанлари бўйича беллашади.

Дарҳақиқат, билимлар беллашувининг нуфузи мактаб ўқувчилари орасида йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни беллашувда иштирок этиш истагини билдирган ўқувчилар сонидан ҳам кўришимиз мумкин. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан 690 минг нафар кўп ўқувчи қатнашди.

Танловда иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириш ҳамда энг илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида республика босқичида қатнашган барча ўқувчилар Тошкент вилоятидаги «Ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи»да дам олишади. Оромгоҳга билимлар беллашувида ўқувчиси муваффақиятли иштирок этган 50 нафар ўқитувчи ҳам жалб қилинади. Мазкур оромгоҳда юртимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, таниқли шоирлар, маданият ва санъат ходимлари иштирокида фан кечалари, маҳорат сабоқлари, викториналар, шеърхонликлар, турли танлов ва мусобақалар ўтказилади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ИНТЕСИВ БОҒЛАР — ЮРТ КЎРКИ

## ТЕЖАМКОР, СЕРҲОСИЛ ВА ТЕЗПИШАР

**Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ томонларга йўлингиз тушса, чор тарафда ям-яшил боғларни кўрасиз. Ажабланарлиси, дарахтлар кўринишидан ҳали ниҳолни эслатса-да, бироқ шиғил-шиғил ҳосилга кирган.**

— Интенсив боғ ташкил этишнинг сирларини сербиялик мутахассислардан ўргандик, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Худойбердиев. — Жуда серҳосил. Иқлимга мос. Маҳаллий навлар 4-5 йилда мева берса, интенсив боғ кўчатлари 2-3 йилда эгасини боқа бошлайди. Маҳсулдорлиги 3-4 баробар юқори. Парвариш, сув кўп талаб қилмайди.

Дарҳақиқат, анъанавий боғларнинг 1 гектарига 420 туп ниҳол қадалса, интенсив майдонда бу кўрсаткич 2200 тупни ташкил этади. Маҳаллий ниҳоллар ҳар 5-6 метр масофага ўтқазилса, «пакана», «ярим пакана» деб номланувчи бу дарахт ниҳоллари оралиғи 2-3 метр бўлса бас. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, янги боғларда ердан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил олишга эришилади. Қашқадарё заминида бундай боғлар ҳар томонлама самарали. Томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланилгани катта миқдорда оби ҳаёт ва озуқани тежаш имконини бераётир.

Таъкидлаш керакки, вилоятда янги боғ ва токзорларни яратиш, мавжудларини янгилаш, аҳолининг мева ҳамда сабзавотга бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларни арзон, сифатли маҳсулотлар билан боййитишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жаҳон тажрибасининг илғор усуллари йўлга қўйилаётгани, айниқса, интенсив боғларнинг кўпаётгани бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширмоқда.

— 2011 йилда 10 гектар ерда интенсив боғ барпо этгандик, — дейди Яккабоғ туманидаги «Йўлдошев Сардор Дилмуродович» фермер хўжалиги раиси Дилмурод Йўлдошев. — У ерга Сербия давлатидан ва Самарқанд вилоятидан олма, олхўри, нок, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари келтириб ўтқаздик. Ўша йилнинг ўзида икки бора ҳосил йиғиштирдик. Ҳисоб-китоблар бу усулда яратилган боғ 3 йилда қилинган харажатларни тўлиқ қоплашини исботламоқда. Яна бир муҳим жиҳати, меваларини узоқ вақтгача сифатли сақлаш мумкин.

Ҳосилдор мевали дарахтларни экишга қизиқиш ортиб бормоқда. Дастлаб интенсив боғлар яратишда бироз иккиланишлар бўлгани рост. Аммо янгича боғ туҳфа этаётган имкониятлар фермер хўжаликлари, ташкилот ва корхоналарда ҳам мевазорлар яратишга рағбат уйғотмоқда.

— Мазкур дарахтлар оралариға беда ва бошқа озуқабоп ўтлардан ташқари турли сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини экиш мумкин, — дейди Китоб тумани Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Худойбердиев. — Шуни ҳисобга олиб, интенсив боғ барпо этилган 14 гектар боғзорни 12 нафар кам таъминланган оилага бўлиб бердик. Ҳозир улар ниҳолларни парваришлаяпти. Деҳқончилик ортидан рўзғорларига барака киряпти.

Айни пайтда вилоятда 20756 гектар боғ мавжуд. Боғдорчиликни янада ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар дастурига кўра, вилоятда жорий йилда 1157 гектар янги боғ барпо этилди. Шундан 365 гектари интенсив усулда барпо қилинган боғлардир. 2011 йилда 225,5 гектар майдонга олма, гилос кўчатлари ўтқазилди. 2012 йилда эса 316 гектар ерда интенсив боғ яратилди. Бугунги кунда вилоятда жами 907 гектар интенсив боғлар мавжуд.



— Туманимизда 270 гектарга яқин интенсив боғлар яратилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Китоб тумани бўлинмаси раиси Жаббор Раҳмонов. — Яна 10 та лойиҳа бўйича 171 гектар майдонда янги боғлар яратиляпти. Жами, интенсив боғлар билан қўшиб ҳисоблаганда 14 минг тонна мева етиштириб бериш кўзда тутилган. Келгуси йили бу кўрсаткич икки бараварга ошади. Чунки интенсив боғлардаги мевалар тўлиқ ҳосилга киради.

Боғ яратиш савоб. Бугунга келиб деҳқончилик ва боғдорчилик ривож топиб бормоқда. Одамларнинг тадбиркорлиги туфайли тежамкор, серҳосил ҳамда тезпишар мевали боғлар майдони кенгайиб бормоқда. Бу халқнинг фаровонлиги, Ватанимизнинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлади.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

# ТИББИЙ МАДАНИЯТ ЮКСАЛМОҚДА



< [1]

— Маҳалла аҳлига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар етарли, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Ғофуржон Қурбонов. — Муассасамиз «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида тўлиқ жиҳозланган. Бу ҳар қандай беморга шу ернинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Натижада аҳоли ўртасида касалликка чалиниш ҳолатлари камайиб бормоқда. Илгарилари ёшлар ўртасида учраган полимит, дифтерия, вирусли гепатит сингари касаллик аломатлари кескин камайди, туғма нуқсонли болалар туғилиши, оналар ва болалар ўлими кузатилмади. Буларнинг барчаси маҳалла фаоллари ва аҳоли билан ҳамжиҳатликдаги ишлар самараси, албатта.

Жорий йилнинг ўзида 1630 нафар туғуруқ ёшидаги аёл ва 1847 нафар 14 ёшгача бўлган бола ва ўсмирни тиббий кўрикдан ўтказдик. Ҳар бир оилада «Саломатлик дафтари» юритилади. Ҳамширалар маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда хонадонларда бўлиб, оила аъзоларининг саломатлиги борасида суҳбатлар ўтказишади. Кўрилган амалий чоралар, белгиланган муолажалар, камчиликлар ана шу дафтарга қайд этиб борилади. Буларнинг барчаси оилада тиббий маданиятни ошириш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш кўламини кенгайтирди. Натижада юқумли хасталиклар билан касалланиш ҳолатлари кескин камайди. Бугун кишилар ўз истаги билан вақтида тиббий кўрикдан ўтиб, саломатлигини назорат қилмоқда. Бу эса ҳар қандай касалликнинг олдини олиш имконини бермоқда.

— Эрта, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар гиёҳвандлик, ОИТС ва унинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча беришда қишлоқ врачлик пункти ходимларининг хизмати катта, — дея суҳбатга қўшилди мазкур йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Одинахон Аҳмедова. — Ҳар чоракда бажарилган ишлар, галдаги вазифалар ҳақида врач ва патронаж ҳамшираларининг ҳисоботларини эшитиб, аҳолини қизиқтирган саволларига жавоблар оламиз, муаммоларни бартараф этиш борасида ўзаро маслаҳатлашамиз. Жорий йилда бўлиб ўтган ҳисоботда кейинги беш йилда биронта ҳам ногирон бола туғилмагани, аёлларнинг туғуруқ оралиғида ижобий ўзгаришлар юз бергани эътироф этилди. Энг муҳими, соғлом она соғлом фарзандни дунёга келтиришини барча тушуниб етмоқда.

Айни кунда маҳалламизда ботулизм, диарея мавзуларида қишлоқ врачлик пункти ходимлари билан кенг қамровли учрашувлар ўтказиб келяпмиз. Кишилар ўзларининг эртасига бефарқ эмас. Ўзи ва фарзандлари келажаги ҳақида қайғурган фуқароларимиз эътиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган касалликлар ҳақида кўпроқ билишни исташмоқда.

Қишлоқ врачлик пункти ходимлари аҳоли учун янада яхшироқ имконият яратиш борасида бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ. Яқинда врачлик пункти қошида дорихона ташкил этилди, эндиликда «Фитобар» иш бошлаш арафасида.

Мухтасар айтганда, Инғирчоқ қишлоқ врачлик пункти ва фуқаролар йиғини ҳамкорлиги натижасида аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда, оилалар тиббий маданияти юксалаётир.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

# УМИД УЛКАН ЮТУҚЛАРНИНГ ОМИЛИДИР

**Бухоро шаҳрида ўтказилган «Универсиада — 2013» мусобақаларининг финал босқичида хоразмлик талабалар футбол бўйича иккинчи ўринни эгалладилар. Бу натижа уларнинг маҳалла майдонларида тўп тепиб, улғайганидан, «Футболимиз келажаги» мусобақаларида тобланганидан далолатдир.**




Ҳар йили мамлакатимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, ички ишлар вазирликлари ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида «Футболимиз келажаги» мусобақалари ўтказилиши ўзига хос анъана тусини олган.

Мусобақанинг Хоразм вилояти ҳудудий босқичларига жиддий тайёргарлик кўрилаётир. Бунинг учун воҳадаги мавжуд ўйингоҳлар шай ҳолатга келтирилди, 27 та янги майдон барпо этилди. Ана шундай майдонлардан бири ўтган йили «Футболимиз келажаги» мусобақасининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий номидаги маҳалла ҳудудида қад ростлади.

— Фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқишлари шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан рағбатлантирилиб келинмоқда, — дейди мазкур йиғин раиси Раҳимбой Матрасулов. — Ҳудудимизда табиий қопламали футбол майдончаси бор. Бу ерда маҳалламиздаги 14 та кўча ўртасида кўчалараро футбол мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилган. Энг яхши ўйинчилар, аввало, мана шу мусобақаларда аниқланиб, кейин йиғинимиз номидан «Футболимиз келажаги»да қатнашадиган терма жамоа шакллантирилади.

Раиснинг айтишича, ҳомийлар томонидан жамоанинг ҳар бир аъзосига махсус кийимлар ва спорт анжомлари олиб берилди. Бундан ёш чарм тўп усталари мамнун.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам мусобақаларга пухта тайёргарлик қизғин паллага кирди. Жумладан, Урганч туманидаги «Уртаёп», Хива шаҳридаги «Янги ҳаёт», Ҳазорасп туманидаги «Мухомон», Янгибозор туманидаги «Дўстлик», Гурлан туманидаги «Дўсимбий», Хонқа туманидаги «Мадир», Янгиариқ туманидаги «Катта боғ» маҳаллалари футбол жамоалари ўйинларга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви қарорига мувофиқ мусобақа иштирокчиларига зарур шароитлар яратиб берилди. Жумладан, махсус кийим билан таъминлаш, автобуслар ажратиш, тиббий хизмат, моддий ва маънавий рағбатлантириш, овқатланишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Ҳа, бу йилги «Футболимиз келажаги» мусобақаларида хоразмлик ёш футболчилар совриндор бўлиш иштиёқида.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»




## Заводда портлаш

☑ **АҚШнинг Луизиана штатидаги «Williams Olefins» номли кимёвий заводда иккинчи маротаба кучли портлаш содир бўлди.**



Натижада 7 нафар киши ҳалок бўлиб, 73 нафар киши жароҳатланган. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги ўша пайтда 600 нафар ишчи завод ичкарисида эканлиги ҳақида хабар берди.

Ҳозирда завод атрофида яшовчи аҳоли кимёвий заҳарланмасликлари учун уйдан ташқарига чиқиши тақиқланган. Портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

## Оролдаги зилзила

☑ **Грециядаги машҳур сайёҳлар ороли ҳисобланган Критда кучли зилзила рўй берди.**

Икки кун давомида 5, 6 балл кучланишдаги силкинишлар аҳоли ва сайёҳларни саросимага солиб қўйган, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Ҳозирча қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар эълон қилинмаган. Аммо бу ҳодиса сайёҳлик тизимига салбий таъсир кўрсатиши айтилмоқда.

## Ёздаги совуқ иқлим

☑ **Боливияда кутилмаганда ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд тушиб кетиши оқибатида 10 нафардан зиёд киши вафот этган.**



Бир неча кундирки, ҳаво совиб, тоғли ҳудудларни қор эгаллаган. Натижада йўллар ёпилиб, машина қатнови тўхтаб қолган.

Аҳолининг ўн фоизи грипп эпидемияси билан касалланган. Иқлим кузатувчиларининг хабар беришича, июль ойи бундан-да совуқ бўлиши кутилмоқда.

## Қимматбаҳо тарвуз

☑ **Японияда ўтган савдо аукционида сара навли тарвуз 3,2 минг долларга сотилди.**

Мазкур тарвуз мамлакатда машҳур «дэнскэ» сара нави бўлиб, уни супермаркетлар тармоғи эгаси 33 ёшли Сюнъити Андзай харид қилди. У тарвузни ўз дўконларидан бирига сотувга қўймоқчи.

«Дэнскэ» қора пўсти ва ширинлиги билан машҳур. Уни Хоккайдо оролидаги Тома шаҳри туманларида етиштиришади. Бу йил 70 мингта «дэнскэ»нинг донасини ўртача 5 минг иен(50 доллар)дан сотиш режалаштирилган.

Интернет хабарлари асосида
Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

МАРАФОН

# Соғлом келажак сари

☑ **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Бўлайлик юрт учун муносиб фарзанд!» шиори остида Зомин туманида ўтказилган ёшлар фестивали доирасидаги спорт мусобақаларида фуқаролар йиғинларининг жамоалари фаол иштирок этишди.**

«Соғлом келажак сари!» шиори остида хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ўтган оммавий марафонда тумандаги Лайлак уя қишлоқ фуқаролар йиғинидан кўплаб вакиллар иштирок этди ва энг яхши натижага эришишди.

Спортнинг стол тенниси тури бўйича биринчи ўринга «Қўрғон» маҳалласидан Дилноза Асадова, иккинчи ўринга Ғафур Ғулом маҳалласидан Хонзода Равшанова, учинчи ўринга «Катта боғ» маҳалласидан Рўза Мухайминова муносиб топилди.

Шахмат мусобақасида ҳам фахрли ўринларнинг барчасини фуқаролар йиғинлари вакиллари қўлга киритишди. Жумладан, биринчи ўрин Даштобод шаҳарча фуқаролар йиғини вакили Феруза Худоёровага, иккинчи ўрин Бешкуби қишлоқ фуқаролар йиғини шарафини ҳимоя қилган Ҳожар Ҳотамовага, учинчи ўрин «Бирлик» маҳалласи вакиласи Гўзал Йўлдошевага насиб этди.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2014»

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: 5-1



**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун курашни плей-офф босқичида давом эттирадиган бўлди.**

Осиё саралаш минтақасининг тўртинчи раундида «А» гуруҳида тўп сурган Миржалол Қосимов шогирдлари Тошкентда ўтган сўнгги турда Қатар миллий терма жамоасини 5:1 ҳисобида енгди.

Ҳамюртларимиз дастлабки дақиқадан ҳужумга зўр берган бўлса-да, биринчи бўлиб ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборди. Футболчиларимиз иккинчи бўлимда ҳужумни янада кучайтирди. Бунинг самарасида Баҳодир Насимов иккита, Олег Зотеев, Одил Аҳмедов ва Улуғбек Бақоев биттадан гол уриб, терма жамоамизнинг йирик ғалабасини таъминлади.

Бироқ бу ғалаба жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўлланма олишимиз учун камлик қилди. Сабаби — Жанубий Корея футболчилари ўз майдонида эронликларга 0:1 ҳисобида ютқазди.

Эрон миллий терма жамоаси 16 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир хил — 14 тадан очко жамғарган бўлса-да, тўплар нисбатига кўра кореяликлар иккинчи йўлланмани қўлга киритди.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Осиё қитъаси учун жаҳон чемпионатига тўрт яримта йўлланма ажратилгани боис Ўзбекистон миллий терма жамоаси энди «В» гуруҳининг учинчи жамоаси билан уй-сафар тизимида иккита учрашув ўтказади. Ғолиб жамоа жаҳон чемпионатига чиқиш учун Жанубий Америка мамлакатлари саралаш мусобақасида бешинчи ўринни эгаллаган терма жамоа билан икки учрашувда майдонга тушади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«ЁЗ — 2013»

# БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ МАВСУМГА ШАЙ

**Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.**

Режага кўра, «Қуёшча», «Истиқлол», «Боғбон», «Шифокор», «Энергетик» оромгоҳлари назоратдан ўтказилди.

Фонднинг вилоят бўлими ва бошқарма ҳамкорлигида оромгоҳларда хавфсизлик профилактикаси тадбирларини амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига вилоят санитария эпидемиология назорати ҳамда гидрометеорология марказлари ходимлари ҳам жалб этилган.

— Болаларнинг дам олишини намунали ўтиши учун барча шароитлар муҳайё, — дейди Булоқбоши туманидаги «Сарвонтепа» маҳалласида жойлашган «Шифокор» болалар оромгоҳи директори Ҳабибулло Арабжонов. — Аммо табиий офатни олдиндан билиб бўлмайди. Тузилган ишчи гуруҳи аъзолари бизга ана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида йўл-йўриқ беришмоқда.

Дарҳақиқат, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши тасаррувидаги ушбу оромгоҳда барча хавфсизлик чоралари кўрилган. Ушбу масканнинг умумий майдони тўлалигича девор билан ўралган. Ички ва ташқи ёритиш мосламалари техник талабларга жавоб беради.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Асака тумани бўлинмаси ҳамда фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан «Ёш автомобилчи» болалар дам олиш оромгоҳидаги хавфсизлик масалалари ўрганилди. 120 ўринга мўлжалланган оромгоҳдаги бинолар ҳолати, деворлар мустаҳкамлиги, хоналар жиҳозланиши, ёритиш мосламалари кўздан кечирилди.

— Ҳар йили ёзги дам олиш мавсумида маҳаллаларда бўлиб, фарзандларини оромгоҳларга жўнатган ота-оналар билан суҳбат ўтказамиз, — дейди Фонднинг Балиқчи тумани бўлинмаси раиси Орифжон Эгамбердиев. — Чунки дилбандларимизнинг хавфсизлиги, тинч ва осойишта ҳаёти, энг аввало, катталарга боғлиқ. Туманимиздан турли дам олиш масканларига борган ўқувчилар яна эсон-омон ўз оилалари бағрига қайтиб келиши таъминланяпти.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, бу йил вилоятда ёз мавсумида жами 57 та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Уларда 20 мингдан зиёд бола саломатлигини тиклаб, мириқиб ҳордиқ чиқаради.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ»
Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!
Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.

Аёллар астарлик костюмшими 1-2 ой
Бисер тикиш 2 ой
Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой
Сунъий гул 1 ой
Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой
Рус тили 3 ой
Малака ошириш 1 ой
Инглиз тили 3 ой
Ўзбек миллий таомлари 1 ой
Турк тили 3 ой
Уйғур таомлари 1 ой
Математика 3 ой
Аёллар сартарошлиги 3 ой
Тўқувчилик 3 ой
Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой

Карвинг 3 ой
Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой
Торт ва пишириқлар 2 ой
Элита пардалар тикиш 1 ой
Торт олий курси 1 ой
Элита пардалар олий курси 1 ой
Бухгалтерия ҳисоби 3 ой
Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой
Тикувчилик 3 ой
Каштачилик, маш.вышивка 3 ой
Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой
Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
**Мўлжал:** Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
**Тел:** +99871 221-77-72
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

**Филиал:** Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қуйлиқ, 4-уй, 40-хона
**Мўлжал:** Қуйлиқ универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
**Тел:** +99893 574-61-84
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23724 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7393 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00